

ЁШЛАРДА МЕДИА ВА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАХЛИЛИ

Рахимова Шахноза Анваровна

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети
доценти в.б. социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7424088>

Annotatsiya. Ushbu maqolada media va axborot madaniyati tushunchalariga ilmiy ta'riflar keltirilgan. Yoshlarning media va axborot madaniyatiga erishuvida axborot savodxonlik bosqichlari, nazariy taxlil va empirik tadqiqotlar natijalari, xorijiy mamlakatlar tajribasi va olimlarning fikrlari yoritilgan. Yunesko media va axborot savodxonligini shakllantirishda, mediata'lim bo'yicha Gryunvald va Aleksandriya deklaratsiyalari keltirib o'tilgan bo'lib, zamonaviy jamiyatda yoshlar tomonidan axborotni tanlash, baholash, qayta ishlash va uzatish borasidagi ko'nikma va malakalarni oshirish bo'yicha takliflar berilgan.

Kalit so'zlar: media, yoshlar, samaradorlik, savodxonlik, mediakompetentlilik, axborot madaniyati, kompetentlilik, mediamadaniyat, mediata'lim, mediaaxborot, mediasavodxonlik, ta'lim.

АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАЗВИТИЯ МЕДИА И ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ У МОЛОДЕЖИ

Аннотация. В данной статье представлены научные определения понятий медиа и информационной культуры. Освещены этапы информационной грамотности, результаты теоретического анализа и эмпирического исследования, опыт зарубежных стран и мнения ученых в процессе доступа молодежи к медиа и информационной культуре. В формировании медийно-информационной грамотности ЮНЕСКО были процитированы Грюнвальдская и Александрийская декларации по медиаобразованию, а также внесены предложения по совершенствованию навыков и компетенций молодежи в области отбора, оценки, обработки и передачи информации в современном обществе.

Ключевые слова: медиа, молодежь, эффективность, грамотность, медиакомпетентность, информационная культура, компетентность, медиакультура, медиаобразование, медиаинформация, медиаграмотность, образование.

ANALYSIS OF THE EFFICIENCY OF DEVELOPMENT OF MEDIA AND INFORMATION CULTURE IN YOUTH

Abstract. This article presents scientific definitions of the concepts of media and information culture. The stages of information literacy, the results of theoretical analysis and empirical research, the experience of foreign countries and the opinions of scientists in the process of young people's access to media and information culture are highlighted. In the formation of media and information literacy of UNESCO, the Grunwald and Alexandria Declarations on media education were cited, and proposals were made to improve the skills and competencies of young people in the field of selecting, evaluating, processing and transmitting information in modern society.

Keywords: media, youth, efficiency, literacy, media competence, information culture, competence, media culture, media education, media information, media literacy, education.

Жахонда ахборот алмашинувининг тезлашуви натижасида маданият, илм-фан соҳасига кириб келган, миллат маданиятига таъсир этувчи маънавий таҳдидлар янги

муаммоларни келтириб чиқармоқда. Натижада, четдан кириб келаётган салбий ахборот, айниқса, айрим ёшлар онгини индивидуализм, эгоцентризм каби бузғунчи ғоялари билан заҳарлаётган маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши туриш давр талабига айланди. Бунда миллий маънавийтимиз ва қадриятларимизга хурмат руҳини шакллантирган ҳолда маънавий таҳдидларнинг олдини олишга эришишимиз мумкин. Зеро, маънавият энг аввало, миллатни, миллий маданият ва миллий турмуш тарзини муҳофаза қилади. Шундай экан, глобаллашув жараёнида мамлакат миллий маданиятига раҳна солувчи маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда инсонларнинг билимли, юксак маънавиятли бўлиши муҳим омил ҳисобланади.

Чунки глобаллашув шароитларида локал маданиятга бўлган қизиқиш миллат миллий ўзига хос хусусиятларнинг сезиларли йўқолиб боришига олиб келувчи хулқ атвор характеридаги этномаданий сифатларнинг кўпроқ унификациялашган шаклга келиши билан асосланади. [1].

Ахборот технологиялари соҳасидаги замонавий тараққиёт ва янги рақамли медиа ва ўқув воситаларининг кенг тарқалиши, медиа саводхонлик ва ахборот маданиятини оширишни ахамияти тобора ортиб боришига олиб келди. Бугунги кунда медиа саводхонлик деярли бутун дунё таълим тизимида энг асосий компетенциялардан бири деб тан олинмоқда.

ЮНЕСКО медиа ва ахборот саводхонлигини шакллантириш асосларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этади. Медиатаълим буйича Грюнвальд Декларациясида (1982), ахборот саводхонлиги ва инсоннинг бутун ҳаёти давомида оладиган таълими буйича «Ахборот жамиятининг маёқлари» Александрия декларацияси (2005) ва Париж ЮНЕСКО кун тартибида (2007) белгиланган максадларга эришишда ЮНЕСКО аъзо давлатларини қўллаб-қувватлайди.[2].

Шунингдек, шахс ахборот маданиятининг муҳим йўналишларидан бири таълимга кириб келаётган янги атама медиакомпетентлилик ҳисобланиб, у медиа маълумотларни турли кўринишда узатиш ва баҳолаш, ўрганиш, етказа билиш каби маъноларни ўз ичига олади.

“**Медиа**” (лот. media - воситалар) – (оммавий) коммуникация воситалари – маълумотни яратиш, ёзиб олиш, нусхалаш, кўпайтириш, сақлаш, тарқатиш, идрок этиш ҳамда субъект (медиамаатн муаллифи) ва объект (оммавий тингловчилар) [3] ўртасида алмашишнинг техник воситалари сифатида таърифланган.

Германияда (нем. – medienkompetenz, инг. – media competence) медиакомпетентлиликни “медиага нисбатан малакавий, мустақил, ижодий ва ижтимоий-масъулиятли ҳаракатлар” қобиляти сифатида тушунилади.[4].

Медиакомпетентлиликни таълим соҳасида ишлатилишида бир неча компонентларини жорий қилиш масаласига тўхталиб ўтилиши ҳам бежиз эмас. Тажрибалар шуни кўрсатадики, медиакомпетентлилик тушунчаси остида ётадиган бир неча атамалар, жумладан, медиамаданият, медиатарғибот, медиатаълим, медиаахборот, компьютер маданияти, медиасаводхонлик каби атамалари умумий маънода ахборот маданиятини шаклланиши ва ривожланишининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Сўз медиакомпетентлилик ҳақида борар экан, “компетенция” тушунчасига ҳам тўхталиб ўтсак. “Компетенция” (лот. competere – мувофиқ бўлмоқ, тўғри келмоқ), билим, маҳоратларни қўллаш қобиляти каби умумий турдаги масалаларни ҳал қилишда амалий

тажриба асосида муваффақиятли ҳаракат қилиш билан аниқланади; компетентлилик эса (инг. competence) – компетенциялар йиғиндиси; муайян соҳада самарали фаолият юритиш учун зарур бўлган билимлар ва тажрибалар мавжудлиги” ни билдиради.

Бугунги кунда илм-фаннинг ички имкониятларини очиб бериш замонавий таълимнинг долзарб вазифасидир. [5].

Россиялик тадқиқотчи А.В. Хуторской “компетенция” ва “компетентлилик” тушунчаларни синонимик тарзда фарқлайди: *компетенция* муайян объектлар ва жараёнларга нисбатан аниқланадиган уларга нисбатан юқори сифатли ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган шахснинг ўзаро боғлиқ хусусиятлари (билимлар, маҳорат, кўникмалар, фаолият усуллари)нинг тўпламини ўз ичига олади. Компетентлилик деганда шахснинг тегишли ваколатларга эга бўлиши, эгаллик қилиши, шу жумладан унинг шахсга бўлган муносабати ва фаолият предмети тушунилади. [6]

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш юз бераётган, инсон омилининг роли кучайиб бораётган шароитда илмий-техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда олий таълим муассасаларида медиакомпетентликни ривожлантириш ҳозирги замон талабларидан ҳисобланади. Таълимга бундай ёндашув талабаларнинг касбий кўникмаларини янада ривожлантиришга ёрдам берувчи педагогик фаолият принципларини аниқлашнинг методологик асоси ҳисобланади. [7].

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахснинг ахборот маданиятини ошириш самарадорлигига эришиш узок ва тизимли йўл тутишни талаб этади. Шунинг учун ҳам мазкур муаммо фақатгина маълум бир давлат чегараларидан чиқиб, глобал характерга эга бўлди.

Бу борада Халқаро ахборот саммити (Женева, 2003 й.; Тунис, 2005 й.) 2006 йилда Сеулда ИФЛАнинг Бутунжаҳон 72-кутубхоначилик ва ахборотлаштириш конгрессида ЮНЕСКО нинг очик форуми бўлиб ўтиб, мазкур форумда бошқа бир қатор муҳим йўналишлар билан бирга ахборот маданиятини шакллантириш масаласи муҳим йўналишлардан бири эканлиги тан олинди, ривожлантириш, ғоялари илгари сурилди.

Илмий адабиётларда «ахборот маданияти» тушунчасига берилган таърифларда тушунчага нисбатан турлича концепцияларни илгари суришган. Улардан баъзилари ахборот маданиятини ахборот майдонида эркин бўлишга ва унинг шаклланишида иштирок этишга имкон берадиган билим даражаси [8]; жамиятни ахборотлаштириш жараёнига имкон берувчи, ахборотлашган жамиятда зарур бўлган шахснинг хусусиятлари ёки хислатлари [9], маданий қадриятлар билан тақозо этилган аксиологик характердаги ахборот фаолияти [10], деб қайд этишган. Бошқалари эса уни янги алоқа ва фикрлаш тури [11], мантикий фикрлашнинг ривожланиш даражаси, тизимни таҳлил қилиш ва синтез қилиш қобилияти [12] сифатида изоҳлашган.

Тараққий этган давлатларда ахборот маданияти (инфоэтика, медиаэтика, медиатаълим ва ҳоказо) алоҳида фан, алоҳида муаммо, алоҳида педагогика, алоҳида сиёсат даражасига чиққан бўлиб, илмий марказлар, олим ва мутахассислар ушбу муаммолар атрофида ихтисослашган ҳолда, юз бераётган ҳолатни ўрганиб, таҳлилий асарлар яратишмоқда. Америкалик олим Э.Тоффлер «Учинчи тўлқин» асарида: «Инсоният ортада қолдирган йўл уч босқичдан иборат», деган фикрни илгари суради [13]. Яъни кишлок хўжалиги, саноат ҳамда ҳозирги ахборот тамаддунлари. Ахборот жамияти пайдо бўлиши билан одамлар ҳаётига янги атамалар ва тушунчалар тезда кириб келди.

Ахборот жамияти аҳолининг ахборот эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиши билан тавсифланади.

Ю.Очерет: «Жамиятдаги бирорта ривожланишни ахборот маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундан ташқари, ахборот воситалари техник-таъминот имкониятларининг кенгайиши билан ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ахборот маданиятининг роли ва ўрни ошди»[14], деб таъкидлаган.

Бизнингча, «ахборот маданияти» тушунча сифатида мутахассисни тайёрлаш жараёнида, касбий тарбия тизимида ҳам муҳим омил ҳамда умумий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ахборот маданияти – ахборот билан мақсадли ишлаш, ахборотни расмий олиш, уни илмий услублар ёрдамида қайта ишлаш, ўз вақтида узатиш, замонавий воситалар ҳамда усулларни қўллаш олиш малакаси ва кўникмасига эга бўлишдир. (Р.Ш)

Жамиятнинг ахборот маданияти унинг аъзолари томонидан ахборот ресурсларидан маълумотлар алмашиш, шахсий ҳаёт фаолияти ва давлатнинг тараққий этиш манфаатлари учун ахборот технологияларидан фойдаланиш қобилияти шаклланганлиги билан характерланади. Шахс ахборот оқимида эркин ҳаракатланиши учун умумий маданиятининг таркибий қисми сифатида ахборот маданиятига эга бўлиши шарт. Зеро, малакали кадрлар тайёрлашда таълим тизимини тубдан такомиллаштиришда ахборот маданиятинингроли катта. [15].

Ахборот маданияти шахснинг ижтимоий табиатига хос эҳтиёжлар билан боғлиқдир. Ахборот маданиятининг даражаси ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш ва ундан кундалик фаолият ҳамда турли хил эҳтиёжларни қондиришда фойдалана олиш малакасининг шаклланганлиги билан белгиланади.

Шунингдек, «ахборот маданияти» тушунчасининг моҳияти турли ахборотни нафақат таҳлил этиш, балки уни бошқариш усулларини эгаллаганлик нуктаи назаридан ҳам аниқланади.

Ахборот олиш, узатиш ҳамда кўникмаларини шакллантириш – комплекс ҳал қилиниши лозим бўлган кўпқиррали муаммо. Ахборот маданияти ахборотга нисбатан муносабат, дунёқарашни шакллантириш методологиясини яратиши, аҳолига ахборотлашган жамиятнинг фалсафасини тушунтириши, ахборот оқими орасидан зарур ахборотни танлаб олиш кўникмаларини шакллантириши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга.

Ахборотлашган жамиятда кишиларнинг, хусусан, ёшларнинг ахборот маданиятига эришувида ахборот саводхонлиги босқичи ҳам мавжуд.

АҚШ Кутубхоналар уюшмасида ахборот саводхонлиги масаласига 1989 йилдан буён жиддий этибор қаратиб келинади. Бу йўлда АҚШ Президенти ҳузурида махсус ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, «Ахборот саводхонлиги» атамаси айнан мана шу ишчи гуруҳ фаолияти натижасида оммалашган[16].

«Ахборот саводхонлиги» АҚШнинг кундалик ҳаёти, мактаблар, иш жойларида энг фаол тушунчага айланди. Ушбу тушунча эволюциясига расмий асос АҚШ Президенти маъмуриятининг ахборот саводхонлиги тўғрисидаги ҳисоботи бўлди. Унга кўра, ахборот саводхонлиги: «Ахборотга бўлган эҳтиёжни ҳис қилиш, уни топиш, унга баҳо бериш ва ундан самарали фойдаланиш учун керак бўладиган малакалар тўпламидир»[17].

Охирги бир неча йиллар мобайнида умумий ахборот саводхонлигини ривожлантириш лозимлиги жамиятимизда ёшлар билан ишлашнинг асосий

тамойилларидан бирига айланди. Фикр юритиш ва ахборотни баҳолаш ахборот саводхонлигини англашда янги мазмун касб этади.

АҚШда қабул қилинган «XXI аср талабаси учун стандартлар» деб номланган йўриқномада эса талабалар малака, манба ва билим олиш воситаларини қуйидаги мақсадларга йўналтириши лозимлиги белгиланган. Булар: маълумот излаш, танқидий ўйлаш, билим олиш, хулосалар ясаш, тегишли маълумотга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш, билимни янги вазиятларга йўналтириш, янги билимларни яратиш, билим алмашиш ва шахсий камолот ҳамда эстетик жиҳатдан ўсишга интилишдир.

Ахборот саводхонлиги - қарор қабул қилиш ва муаммоларни таҳлил қилиш мақсадида ахборотни олиш, тушуниш, баҳолаш, мослаш, генерация қилиш, сақлаш ва намойиш қилиш учун керак бўлган компетенциялар тўпламидир [18].

Шундай қилиб, «ахборот саводхонлиги» атамаси ишлатилганда дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар ҳар қандай зиёли киши ахборотлашган жамиятда муваффақиятли фаолият юритиш учун фақат бир ёки бир нечта кўникмаларга эмас, балки катта билимлар комбинациясига, мукамал қобилиятларга ҳамда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишни назарда тутадилар.

Бироқ рус мутахассислари «ахборот саводхонлиги» тушунчасини кенгрок, яъни шахсинг ахборот маданиятининг бир қисми сифатида тавсифлашган. Шахсинг ахборот маданияти, ахборот саводхонлигидан ташқари, ўзига хос ахборот дунёқарашига эга бўлиши, ахборот билим ва кўникмаларни эгаллашда ишонч шаклланиши, ахборотлашган жамиятда яшовчи индивиддан муайян томонидан қандай мақсадларга эришиш лозимлигини англаши ва маълумотлардан тўғри фойдаланиш учун масъулиятни ҳис этиши кабиларни қамраб олади [19].

Ахборот маданияти бугунги кунда инсондан янги компетентлиликни, жумладан, ахборот-коммуникация мулоқотини ташкил этиш, медиа ва ахборот муҳити билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, замонавий ахборот технологияларини қўллаш кўникмаларини эгаллашни талаб қилмоқда.

Замонавий жамиятда ахборотни танлаш, баҳолаш, қайта ишлаш ва узатиш борасидаги кўникма ва малакаларни ошириш зарурати туғилиб, бунинг учун ахборот саводхонлиги, ахборотга эгаллик, уни баҳолаш ва ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланишнинг муҳимлиги ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Бугунги кунда замонавий инновациялар ва техник тараққиёт намуналари жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилига айланиши билан бир қаторда, ёшларнинг ресоциализация ўзгариши омили ҳам ҳисобланади.

Назарий таҳлил ва эмпирик тадқиқотлар натижасига кўра шахсинг ахборот саводхонлиги кўникмаларини оширишда медиакомпетентлилик ёндашувини жорий этиш истиқболда ўз самарасини бериши аниқланди. Мамлакатимизнинг рақамли иқтисодиёт ва ахборот жамиятига ўтиши ёшларимизни медиа ва ахборот саводхонлигини ривожлантириш масаласини тақазо қилмоқда. Шу билан бирга фуқароларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. [20].

Жамиятни ахборотлаштиришнинг барча асосий хусусиятлари, шу жумладан унинг динамикаси медиа саводхонлик даражаси ва ахборот маданиятига сезиларли даражада боғлиқ. Хусусан, бугунги кунга келиб ёшларнинг ахборот маданияти нафақат анъанавий

балки янги ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда ахборотга бўлган эҳтиёжларни мувофиқ қондириш бўйича мақсадли ва мустақил фаолиятни таъминловчи дунёқараш ҳамда билим ва кўникмаларлар тизимининг йиғиндисига айланди.

Ёшларнинг ахборот маданияти даражаси айнан маълумотлардан фойдаланиш нуқтасида шаклланади, бу вазифани кутубхоналар бажаради ва айнан шу ўринда медиакомпетентлиликни ва ахборот маданиятини ривожлантириш самарадорлиги фаолиятига йўл очади.

Ёшларга Интернетдаги янгиликлар ва бошқа ахборотларни “соғлом” истеъмол қилиш кўникмаларини сингдириш, ахборотни бир неча медиаманбалардан олиш орқали ахборотдан тўғри фойдаланишга ўргатиш, фейкларни аниқлаш ва янгиликларга оид онлайн-ресурсларнинг ишончилигини аниқлаш бўйича йўл-йўриқ кўрсатиш учун кутубхоначилар тренинглари, очик маърузалар, лойиҳавий ўқитиш ташкил этиш, тақдимотлар, брошюралар, плакатлар тайёрлаш, веб-саҳифалардаги мақолалар чоп этиш ҳамда ижтимоий медиадаги материаллар билан ишлаш кўникмасига эга бўлиш зарур ҳисобланади.

REFERENCES

1. Kadirova N. The Place Of Karakalpak Ethnoculture In The Integration Of Society //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 04. – С. 676-688
2. Медиа ва ахборот саводхонлигини шакллантиришнинг педагогик жihatлари.:ўқув амалий қўлланма.-Тошкент:Extrmum press,2017.-142б.
3. Словарь терминов по медиаобразованию, медиапедагогике, медиаграмотности, медиакомпетентности / под ред. А. В. Федорова. – Таганрог : Изд-во Таганрог. гос. пед. ин-та. – 2010. – 24 с.
4. Staiger M., Wichert, A. Medienbegriff – Medienkompetenz – Mediendidaktik. Perspektiven des Mediendiskurses// Metz,B., Pfeiffer, J., Staiger, M., Wichert, A. Lesen, Schreiben und Kommunizieren im Internet. Theorie und Praxis teilvirtueller Hochschullehre. – Herbolzheim: Centaurus_Verlag, 2004, S.19-42.
5. Kadirova N., Akhmedova F. Sociological Analysis of the Nation's Identity, the Levels of Feeling the National Identity in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN. – С. 2278-3075
6. Иванова Л.А. Формирование медиакоммуникативной образованности школьников – подростков средствами видео /на материале уроков французского языка: дис.... канд. пед. наук : 13.00.01/ Л. А. Иванова. - Иркутск, 1999. – 204 с.
7. Buvabaevna K. Y. Issues of Civil Literacy Development in the Education System //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 5477-5489.
8. Медведева Е.А. Информационная культура как предмет преподавания в системе высшего образования // Информатизация и проблемы гуманитарного образования: межд.науч.конф.: тезисы докл. Краснодар,1995.- С.67-68.
9. Атаян А. Информационная культура личности в условиях информатизации общества // Бюллетень ВИУ. 2001. Вып. №1(7).09.2004г.

10. Гречихин А.А. Информационная культура: опыт определения и типологического моделирования // Проблемы информационной культуры: сб.статей. – М.:1994. – С.12-39.
11. Алешин Л.И. Гуманитарная информатика: аспекты проблемы // Технологии информационного общества - Интернет и современное общество: труды VI Всероссийской объединенной конференции. СПб, 3 - 6 ноября 2003г. – СПб.: СПбГУ, 2003. –С. 1-3.
12. Фридланд А.Я. Основные понятия информатики: информация - информационный процесс - информационная культура // Информатика и образование. 2003. – № 7. – С.120-124.
13. Тоффлер Э. Третья волна. – М.: АСТ, 1999. – 398с.
14. Очерет Ю. Формирование информационной культуры личности в условиях информационно-библиотечных учреждений. // Информационная культура в контекстеновой парадигмы образования: проблемы, поиски, решения. – Кемерово: ОбЛИУУ, 2001. – С.150.
15. BUVABAEVNA K. Y. LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA: LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA // Journal of Information Computational Science. – 2021. – №. 1.
16. Кей Энн Кассел ва Ума Хайрмат. XXI асрда маълумот ва ахборот хизматлари: иккинчи таҳрир. – Тошкент: Baktoria press, 2014. – Б.326
17. Кей Энн Кассел ва Ума Хайрмат. XXI асрда маълумот ва ахборот хизматлари: иккинчи таҳрир. – Тошкент: Baktoria press, 2014. – Б.325.
18. Медиа ва ахборот саводхонлигини шакллантиришнинг педагогик жихатлари.: ўқув амалий кўлланма. – Тошкент: Extrimum press, 2017. – Б.13.
19. Гендина Н.И. Информационная грамотность и информационная культура личности: международный и российский подходы к решению проблемы // Проблемы образования. – №5–2007. – С.58-69; Формирование информационной культуры личности: теоретическое обоснование и моделирование содержания учебной дисциплины / Н. И. Гендина, Н.И. Колкова, Г.А. Стародубова, Ю.В. Уленко. – М.: Межрегиональный центр библиотечного сотрудничества, 2006. – 512с.; Медиа-и информационная грамотность в обществах знания / Сост. Кузьмин Е. И., Паршакова А. В. – М.: МЦБС, 2013. – 384 с.
20. Kadirova Y. LOVING THE COUNTRY IS FAITHFUL // Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В4. – С. 420-423.